
Фурқат тумани прокурори ташаббуси билан спортнинг “Кураш” тури бўйича ўсмирлар ўртасида туман очиқ биринчилиги мусобақаси ўтказилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 ноябрдаги “Кураш миллий спорт турини янада ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4881- сонли қарорида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш, ёшларни спортга бўлган қизиқишларини ошириш мақсадида туман прокурори ташаббуси билан спортнинг “Кураш” тури бўйича ўсмирлар ўртасида туман очиқ биринчилиги мусобақаси бўлиб ўтди.

Мусобақада туманимизнинг 120 нафардан ортиқ ўсмирлари куч синашдилар.

Мусобақада ёлиб бўлган спортчилар туман прокуратураси ва ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими томонидан дипломлар ва медаллар ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

2023-04-07 21:51:09